

Ўзининг такрорланмас ижоди, гўзал санъати ва ажойиб махорати билан нафакат Шарк халклари, балки бутун дунё халклари маданияти тарихида сезиларли из колдирган, унинг тараккиёти учун баракали хисса кўшган забардас мусаввир Камолиддин Бехзод Хиротда 1455 йилда хунарманд-косиб оиласида дунёга келди.

Ўзининг такрорланмас ижоди, гўзал санъати ваажойиб махорати билан нафакат Шарк халклари, балки бутун дунё халклари маданияти тарихида сезиларли из колдирган, унинг тараккиёти учун баракали хисса кўшган забардас мусаввир Камолиддин Бехзод Хиротда 1455 йилда хунарманд-косиб оиласида дунёга келди.

Тарихий манбаларда ёзилишича, унинг номи Бехзод бўлиб, Хирот ахолиси уни суюб, эркалаб Камолиддин, деб чакиришган экан. Алишер Навоий уни ўз мактубларидан бирида «устод Бехзод» деб атади.

Манбаларда ёзилишича, Бехзод ота-онадан жуда эрта етим қолиб, таникли Хирот хаттоти ва рассоми Мирак Наккош Хуросоний кўлида тарбия олади. Ўз даврининг машхур рассоми, миниатюрасоз Мирак Наккош уйидаги нигористонидаги ижодий мухит, гўзаллик ва нафосат ёш Бехзодни ҳам санъат ва хунарга хавас кўйишга ундади, келажакдаги такдири учун ижобий роль ўйнади.

Бехзод турли устозлардан тарбия олган. Манбаларда Бехзод Пир Сайид Ахмад Табризий шогирди, деб ҳам кўрсатилган. Пир Сайид Ахмад Табризий эса бухоролик устод Жахонгирнинг шогирди, бухоролик Жахонгир эса ўз навбатида устод Гунг шогирди бўлганлиги кайд этилган. Бехзоднинг асарларидаги ўзига хос хусусиятларда устозларнинг таъсири каттадир.

У ёшлигида машхур санъаткор Султон Али Машхадий билан жуда якин муносабатда бўлганини хаттотнинг бизгача етиб келган куйидаги бадихасидан ҳам билса бўлади:

Азиз, аржуманд фарзанд Бехзод,
Гох-гохида биз томонга келиб турарди.
У ўз суратлари туфайли мен учун умрдек азиз,
Умрдек вақт ўтса ҳам, хануз ёдга олмайди.

XV асрдаги Хирот адабий, бадиий-илмий, санъат ва маданият оламида пайдо бўлган жуда кўп шахслар сингари Бехзоднинг ҳам ижодий камолотида Алишер Навоий хал килувчи роль ўйнаган.

Навоийнинг шахсий кутубхонасида ўша даврнинг етук санъаткорлари Мирак Наккош, Хожи Мухаммад каби мусаввирлар, Хофиз Мухаммад, Зайниддин Махмуд, Султон Мухаммад Нур каби хаттотлар ижод билан банд бўлганлар. Бехзод шу кутубхонада, айникса, хаттот Султон Али Машхадий ва Ёрий Музаххиб билан якин ижодий ҳамкорликда бўлган. Бехзод ижодининг мавзу доираси, кахрамонлари шу ерда Навоий ва бошқа санъаткорлар ижоди таъсирида камол топган.

Бехзод мусаввир сифатида танилгач, Султон Хусайн саройида хизматга чакирилган. 1487 йил Султон Хусайн фармони билан Бехзод салтанат кутубхонасига рахбар этиб тайинланган. Кутубхонадаги музаххиб, халкор, заркўб, лаввох, саххоф, жадвалкаш, наккош ва когозрезу даволчилар бевосита Бехзод рахбарлигида ишлаганлар. Кейинчалик бу жой ўз даврининг бадиий академиясига айланади. Уни мутахассислар «Нигор хонайи Бехзод» ёки «Бехзод академияси» деб атаганлар.

1507 – 1510 йилларда Бехзод Хиротни эгаллаган Муҳаммад Шайбонийхон хизматида бўлган.

Темурийларнинг юксак маданиятига ҳурмат ва эътибор билан караган Шайбонийхон Бехзод санъати олдида лол қолиб, унинг ижодий ишларига деярли тўскинлик қилмайди, аксинча, мумкин қадар шароит яратиб берган.

Эрондаги Сафавийлар салтанати бу даврда анча кучайиб, ички ва сиёсий курашлар туфайли инкирозга юз тутган Хуросондаги Шайбонийлар салтанатига таҳдид солиб, 1510 йилда икки сулола қўшини ўртасида Марв ёнидаги Тохиробод деган жойдаги шиддатли жангда Муҳаммад Шайбонийхон ҳалок бўлади, унинг қўшини тор-мор этилади ва Хирот Сафавийлар қарамоғига ўтади. Шох Исмоил Сафавийлар қарамоғига ўтади.

Шох Исмоил Сафавий 1512 йил Хиротдаги бир неча истеъдодли санъаткорларни, хунарамандларни ўзи билан бирга Табризга олиб кетади. Хиротдан Табризга олиб кетилган «жавохир»лар орасидаги энг нодир ва ноёби Камолиддин Бехзод эди. Чунки Бехзод бу пайтда бутун Шарқ элларида донги кетган буюк санъаткор бўлиб, уни ўз қарамоғида сақлаган салтанат энг бой, қудратли ва обрў-эътиборли ҳисобланарди.

Камолиддин Бехзод санъатини юксак кадрлаган Исмоил Сафавий наккошга ижод қилиш учун Табризда барча шароитларни яратиб беради. Маълумки, Табризга Бехзод бир гуруҳ истеъдодли шогирдлари билан келган бўлиб, улар ҳам Табризда Бехзоднинг раҳнамолигида ўзларининг ижодий ишларини давом эттирадilar.

Манбаларда берилган маълумотларга кўра, 1520 йилда Шох Исмоил ёш шахзода Таҳмосибга расм ўргатиш учун Бехзодни ўз салтанати пойтахти Табриз шаҳрига таклиф этади. 1522 йил эса махсус фармон билан рассомни ўз кутубхонасидаги китоба ахли (котиб, наккош, музаххиб, жавдалкаш, халкор, заркўб, дожувардшўй ва бошқалар)га мутасадди этиб тайинлайди.

Бехзод Табризда истикомат қила туриб санъаткор сифатида ҳаётида яна бир бор жасорат кўрсатди. Гурбатда, гоят рухий азобларда, она шаҳридан олисда туриб яна бир нафис тасвирий санъат мактабини бунёд этади. Хиротдагидек бу ерда ҳам ўз атрофига истеъдодли рассом, наккош ва бошқа хунарамандларни тўплади, уларга кунт билан раҳнамолик қилиб, ўзининг сеҳргар санъатининг сир-асрорларини ўргата бошлади. Табризда Султон Муҳаммад, Оқо Мирақ, Мир Мансур Мусаввир, Мир Саид Али сингари ўнлаб истеъдодли мусаввирларни тарбиялади.

1524 йилда Табриз султони Шох Исмоил Сафавий вафот этади ва тахт ёш шахзода

Тахмосиб кўлига ўтади.

Манбаларда берилган маълумотларга кўра, Бехзод Сафавийлар саройига жуда якин, подшо салтанатидаги энг ишончли санъаткор бўлгани учун ҳам шахзода Тахмосибга болалик пайтиданок миниатюрасозлик илмидан дарс бериб, уни ҳам ўзининг сеҳргар санъатининг сир-асроридан хабардор қилиб борган.

1537 йилда кексайиб қолган Бехзод Хиротда суюкли жияни ва шогирди Рустам Алининг ўлим тўшагида ётганлигидан хабардор бўлиб, уни кўрмок учун она шаҳри Хиротга отланади. Лекин у Рустам Али дийдорига етиша олмади. Бехзод Хиротга етиб келгунча у оламдан ўтган бўлади. Бундай жудоликдан каттик қайгурган, кекса мўйсафид Бехзоднинг ўзи ҳам огир хасталаниб, 1537 йилда Хиротда оламдан ўтади. Мусаввирнинг қабри Кўхи Мухтор (Мухтор тоғи; Афғонистон ҳудудида)нинг хушманзара жойида. Унинг қабри тошига шоир Амир Дўст Хошимийнинг қуйидаги шеъри битилган:

Вахид-ул-аср Бехзод он ке чун у
Зи батни модари айём кам зод,

Казо чун суврати умраш бипардохт
Ажал хоки вужудаш дод бар бод.

Зи ман сувратгаре тарих пурсид,
Баъд у гуфтам жавоб аз жони ношод:
Агар хоше ке торихаш бидони,
Назар афкан ба «Хоки қабри Бехзод».

Мазмуни: “Ўз асрининг ягонаси бўлган Бехзод шундай буюк одамки, ундай кишилар онадан жуда кам тугилади... Казо (ўлим) унинг ҳаётига хотима ясади, ажал унинг тана тупроғини елга топширди. Бу сувратгар Бехзод вафотининг тарихини (йилини) мандан сўради. Унга гам-гусса билан шундай жавоб бердим: «Бехзод вафот этган» йилини билишни истасанг, «Хоки қабри Бехзод»га (яъни Бехзод қабрининг тупроғига) назар сол».

Шарк халқларининг муштарак ифтихори, буюк фарзанди бўлмиш Камолиддин Бехзод XV асрнинг иккинчи ва XVI асрнинг биринчи ярмида Хирот ва Табризда яшаб, гоятда баракали ижод этди, ўзидан сўнги авлодга бой, ранг-баранг ва ажойиб тасвирий санъат асарларини мерос қолдирди.

Камолиддин Бехзод ижоди

Бехзод чизган расмлар тарқаб кетган жаҳонга, Асл нусхаси етган Париж ва Лондонга. Унинг кўпгина қисми насиб этган Эронга, Баъзиларин топарсан борсанг агар Афғона, Бу нақшлар сайд экан, гайрилар сайёд экан. Махмуд Хасаний

Камолиддин Бехзод саксон йиллик узок ва мазмундор ҳаёти давомида Султон Хусайн Миро (1469 – 1505), Муҳаммад Шайбонийхон (1451 – 1510), Шох Исмоил Сафавий (1501 –

1524), Шох Тахмосиб Сафавий (1524 –1576)лар хукмронлик килган тўрт салтанатни кўрди.

Темурийлар сулоласи пойтахти Хиротда ва Сафавийлар пойтахти Табризда яшаб, фалак гардишининг ёркин кунларию, азоб-укубатларини ўз кўзи билан кўриб мушохада килди, ижтимоий борлиқдан олган бой ва ранг-баранг таассуротларини, ички кечинмаларини, кайфиятларини ўз ижодида зўр махорат билан тасвирлади.

Бехзоддан бизга кадар ранг-баранг жанрларда кўплаб асарлар колган. У Шарк тасвирий санъатини жанр, мавзу, гоъвий йўналиши, тузилиши, ранглар таносибни, шакл ва воқеалар мутаносиблиги жихатдан янги тараккиёт чўккисига кўтаради; оддий хаётий воқеа-ходисалардан тортиб, машрикзаминда кенг ёйилган анъанавий лавхалар асосида гўзал миниатюралар чизди, даҳо алломаларнинг шох асарларини, тарих китобларини беъади; замонасидаги буюк шахсларнинг аксини – портретини яратди.

Дарвоқе, Бехзод ижодининг дастлабки йилларида кўпроқ тарихий, замонасининг долзарб мавзуларида (масжид курилиши, туялар жанги, Доро саргузашти, Амир Темур саройида кабул маросими), кахрамонлик мавзуларида асарлар яратган бўлса, кейинчалик кўпроқ анъанавий, халк огзаки ижоди ва лирик кахрамонлар тимсолларини яратишга киришади.

Жумладан, у Низомий Ганжавий «Хамса»си, Амир Хисрав Дехлавийнинг «Лайли ва Мажнун» (1492), Фаридиддин Атторнинг «Мантукут тайр» (1494) асарларига гоътда гўзал миниатюралар чизган.

Бу асарлар достон ёки хикоятда тасвирланган воқеанинг мўъжаз бир тарзда ўзидамуҷассалаштиргани, кахрамонларнинг хар бири ўзига хос бир тарзда ифодаланганлиги билан киши диккатини ўзига тартади. Масалан, Низомийнинг «Хамса»сига чизилган «Лайли ва Мажнун мактабда» номли сурат ўзининг хар жихатдан мукамаллиги билан диккатга молик.

Тўрт томони накшинкор бинолар, майсазору гуллар, сермева дарахт огушидаги синфхонада бир гуруҳ болалар дарс ўқимокда, бошка бир тўдаси эса болаларга хос шўху танглик билан ўйнашмоқда, овкатланишмоқда, баъзилари либосларини киймоқда. Аммо Лайли билан Мажнун махзун, чор атрофдаги воқеага беъарво, аллакандай хаёлот оламига гарк, бир-бирларини зимдан кузатиб ўтирибди.

Бехзод Шарк миниатюра санъатига хаётийлик, хакконийликни – реализмни олиб кирган ижодкордир.

Бехзод томонидан юзлаб миниатюралар ишланган. У Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сига, шоир Саъдийнинг «Бўстон», «Гулистон», шоир Абдулло Хотифийнинг «Темурнома» каби асарларини нафис ва гўзал минитаюралари билан беъаган.

Шунингдек, мусаввир мураккаъ (альбом)ларга хам гўзал ва нафис миниатюралар чизган. Жумладан, Хуросон хокими Султон Хусайн Мирзонинг мажлислари тасвир этилган

мураккаъ (альбом). Ушбу мураккаъ Султон Хусайн Мирзонинг Хиротдаги китобхонаси учун тайёрланган.

Бундаги 40 дан ортик гўзал миниатюра Камолиддин Бехзод томонидан ишланган. «Темур тарихи мураккаъси». Ушбу альбом 1467 йилда номаълум санъаткор томонидан тузилган бўлиб, нукра ва тиллакорлик хунарлари ила ўта зўр махорат билан жуда пухта ва гўзал ишлангандир. Унда бошка нафис тасвирий санъат намуналари билан бир каторда Камолиддин Бехзоднинг бир неча миниатюралари мавжуд.

У тарихий, замонавий мавзуларда ўнлаб асарлар яратиш билан бирга ўзи бевосита мулоқотда бўлган, мурувват кўрган маслакдошлари, замондошларининг суратларини чизиб, тасвирий санъатимиз тарихига портрет жанрини олиб кирди.

Бехзод портрет жанрининг бошловчиси ва мохир устаси бўлган. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Абдуллох Хотифий, Султон Хусайн Бойкаро, Шайбонийхон каби тарихий шахсларнинг портрети Бехзод мўкалами туфайлигина бизгача етиб келган.

Бизгача Хусайн Бойкаронинг Бехзод каламига мансуб иккита тасвири сақланиб қолган. Жажжи тасвирда Султон Хусайн Бойкаро шаклу шамойили, келбати шундай аниқ хаётий ифода топганки, портретни синчиклаб кузатган кишига, Бобурнинг Султон Хусайн Мирзо хақидаги таърифи беихтиёр эсга тушади.

«Шакл ва шамойили кийик кўзлук, шерандом бўйлук киши эди. Белидан куйи ингичка эди, хуш ранг кизил, яшил абришимни кияр эди. Кора кўзи бўрк кияр эди, ё калпок Ахёнан ийдларда кичик сепеч дасторни яп-ясси ямон чирмон чирмаб, каркара ўтақаси санчиб, намозга борар эди» («Бобурнома» Б.47).

Бехзод Шайбонийхон хизматига ўтиб, 1507 йилнинг иккинчи ярмида унинг портретини яратган. Бу портрет-тийнат хар жихатдан эътиборга лойик. У Бехзод ижодининг портрет яратишдаги ёркин саҳифаси, десак бўлади. Тасвир композицияси, ранглар уйғунлиги, улар талқини жихатдан чуқур рамзий умумлашмани жамлаб олган. Расмда подшоҳнинг сийрати, рухий холати жуда ишонарли ифода қилинган.

Тасвирнинг тепа қисмида Бехзоднинг иккита дастхати, ўнгда – «Сурати Шайбонийхон», сўлда – «Ал-обд Бехзод», яъни «Кул Бехзод» деган битик мавжуд. Камолиддин Бехзод яратган уч машхур ўзбек подшоҳининг тасвирий тийнати Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихида алоҳида ўрин тутди.

Камолиддин Бехзод ижоди хақида гапирганда, кохиралик санъатшунос олим доктор Мухаммад Мустафо томонидан нашр этилган «Бехзод миниатюра мактабига оид мўъжаз тасвирлардан намуналар» деган мажмуа Бехзоднинг машхур «Султон Хусайн Мирзо саройида зиёфат» деган миниатюраси билан очилади.

Мажмуадаги иккинчи тасвир ҳам мазмун жихатидан биринчисига ўхшаб кетадики, унда ҳам Султон Хусайн Мирзо хузуридаги зиёфатлардан бири тасвирланади. Ушбу

мажмуадаги Бехзод мўкаламига мансуб тасвирларнинг учинчиси «Малик Доро ва отбокарлар» деб аталади.

Камолиддин Бехзод ижоди кейинги асрлар Хуросону Мовароуннахр, Хиндистон миниатюра санъати ривожига сезиларли таъсир этган. Косим Чехракушо, Махмуд Музаххиб, Мулло Дарвеш, Дўсти Девона, Мухаммадмурод Самаркандий сингари мусаввирлар Бехзод миниатюра мактабидан бевосита сабоқ олиб, унинг илгор анъаналарини муваффакият билан давом эттирган санъаткорлардир.

Бехзод ва унинг шогирдлари санъати Европа рассомлари ижодига ҳам самарали таъсир кўрсатгани рост.

1903 йили Германияда санъат кўргазмаси очилган. Унда Бехзод ва унинг замондошлари асарлари намойиш этилади. Кўргазмани Анри Матисс, Сезанн каби француз рассомлари кўриб, хайратга тушишади.

Шарк рассомлари асарларидаги бир-бирига зид, кескин ранглар, уларни нозик мувозанатда ва уйғунликда ишлаш санъати уларга катта таъсир кўрсатади.

Камолиддин Бехзод тасвирий санъатни шунчалик мохирона эгаллайдики, у "Монийи Соний (2 моний)" ва "Шарк Рафаэли" деган юксак номга ҳам сазовор бўлади.

Шуни алоҳида қайт қилиб айтиш мумкинки, Камолиддин Бехзод ижоди кўп асрлардан бери жаҳон санъати аҳлига таъсир кўрсатиб келади. Республикамизда унинг бадиий меросини ўрганишга катта аҳамият берилмоқда.

Бехзод ижодини тадқиқ ва тарғиб этишда санъатшунос, файласуф, тарихчи ва адабиётшунос олимлар томонидан катор монография, рисола ва илмий мақолалар яратилган ва яратилмоқда.

Жумладан, Н.Норкуловнинг «Камолиддин Бехзод» (1968), Н.Норкулов ва .Низомитдиновларнинг «Миниатюра тарихидан лавҳалар» (1970), О.Усмоновнинг «Камолиддин Бехзод ва унинг наққошлик мактаби» (1977), К.Окилованинг «Мусаввир Камолиддин Бехзод» (1993), Н.Ойдиновнинг «Бехзоднинг нурли мўъжизаси» (1996), Б.Мансуровнинг «Шарк санъатининг буюк намояндаси» (буюк мусаввир Камолиддин Бехзод) (1977), Т.Кўзиёвнинг «Жаҳонни забт этган мусаввир» (Камолиддин Бехзод 545 ёшда) (1997), «Бехзод ва тамаддун» (2000), О.Усмонов ва А.Мадрахимовнинг «Камолиддин Бехзод» (2000) каби рисоалари яратилди.

Шунингдек, шоир ва ёзувчилар томонидан яратилган роман, дoston ва шеърларда Бехзод образи каламга олинган. Масалан, Ойбекнинг «Навоий», П.Кодировнинг «Юлдузли тунлар» романидаги каби эпизодик тимсол бўлиб эмас, Бехзод образи бир даҳо сифатида ўз аксини топади.

Шукур Курбоннинг «Бехзоднинг бир куни» драматик достони, О.Бўриёвнинг «Бехзод ва Ширин» достони, Махмуд Хасанийнинг «Наққошларнинг султони» шеъри, Темур

Убайдуллонинг «Мусаввирнома» каби шеърлари яратилган.

Бехзод номини абадийлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фармони (1997 йил 23 январь)га биноан Камолиддин Бехзод номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти таъсис этилди.

Тошкентдаги Миллий рассомлик ва дизайн институтига Камолиддин Бехзод номи берилди.

1997 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони бўйича Ўзбекистонда биринчи марта Т.Болтабоев, Х.Назаров, Г.Камолов, А.Илхомов, Б.Рахмонбердиев, Р.Матчоновлар Бехзод номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотини олишга муяссар бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (1997 йил 23 декабрь)га биноан Тошкент ва Самарканд шаҳарларида ва хорижий мамлакатларда ЮНЕСКО хомийлигида Бехзод таваллудининг 545 йиллиги кенг нишонланди. 2000 йил ноябрда бу тадбир дунёнинг 190 мамлакатада нишонланди.

Тошкентда 2000 йил 23 ноябрда Темурийлар тарихи Давлат музейида «Камолиддин Бехзод ва Шарк миниатюра санъати» халқаро анжуман бўлди. Ушбу анжуманда Британия, Туркия, Хиндистон, Озарбайжон, Тожикистон ва Ўзбекистон санъатшунос олимлари иштирок этдилар.

Юбилей муносабати билан Бехзод ҳаёти ва ижодига бағишланган бир қанча тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, «Камолиддин Бехзод» ҳужжатли филми яратилди (2000 й). Бехзод боғи барпо этилди. Махсус музей очилди. Альбомлар, такдимлар чиқарилди. Оммавий ахборот воситаларида кўплаб эшиттириш, кўрсатув ва вақтли матбуотларда мақолалар берилаётир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Ўзбекистондан четга олиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича ташкил этилган махсус комиссия Камолиддин Бехзоднинг дунё бўйлаб сочилиб кетган меросини, кутубхона ҳамда музейларда сақланиб қолган асарларини ўрганиб чиқади. Бевосита Камолиддин Бехзод каламига мансуб 120 дан ортиқ миниатюра асарлари борлиги аниқланди.

Масалан, Оксфорддаги (Буюк Британия) Бодлиан кутубхонасида Алишер Навоий «Хамса»сида Камолиддин Бехзод мўйкалами билан ишланган миниатюраларнинг аслияти мавжудлиги аниқланди. Мазкур кутубхонанинг Шарк бўлимида «Хамса»га қирган 4 та асарнинг ўзидагина Бехзод мўйкаламига мансуб миниатюраларнинг сони тани ташкил этади.

Яна, дунёдаги энг йирик илмий ҳазиналардан бири бўлган Лондондаги Британия

кутубхонасида Низомийнинг «Хамса»си кўлёмасига Бехзод томонидан ишланган 27 та миниатюра борлиги аникланди.

Кохира шахридаги Миллий кутубхонада сакланаётган Камолиддин Бехзод ва унинг шогирдлари дахоси билан яратилган миниатюра санъатининг ноёб дурдоналари аникланди. Уларнинг 6 таси шахсан Камолиддин Бехзод мўкалами билан чизилган. 10 га яқини унинг шогирдлари Косим Али, Шайхзода ва Султон Мухаммад ижодининг махсули экан.

Шунингдек, Истамбул шахридаги «Тўпкапи» саройи кутубхоналарида сакланаётган Камолиддин Бехзоднинг Хисрав Дехлавий ва Низомий асарларига ишланган 14 донна миниатюра асарларидан олинган кўргазмалар учун мослаштирилган рангли суратлар ҳам шулар жумласидандир.

Виктория ва Альберт музейида сакланаётган ҳамда Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шедрин кутубхонасида сакланаётган миниатюраларнинг эгизак нусхалари яратилиб Ўзбекистонга олиб келинди.

Хулоса қилиб айтганда, Камолиддин Бехзод ва унинг шогирдлари томонидан яратилган миниатюралар асарларининг слайдлари, компакт диск ҳамда факсимил репродукциялари, кўргазмалар учун мослаштирилган транспарент шаффоф нусхалар олиб келиниб Камолиддин Бехзод музейига топширилди.

Камолиддин Бехзод замондошлари хотирасида

Камолиддин Бехзод замондош мўкалам сохиблари орасида энг яхши мусаввир ва хаттотларнинг бошлиги, ўз санъатининг чўккисига эришган улуглардан эди. (Дўст Мухаммад)

Рангтасвир пайдо бўлгандан буён бу сохада санъат ахли орасида унга тенг келадигани йўқ эди.(Кози Ахмад)

Камолиддин Бехзод ажойиб ва гаройиб суратларини захир қилувчи хунар нодирликларини бунёд этувчи Моний каби сурат чизувчи, мўкаламчи, олам мусаввирлари асарларини (ажойиб суратлари билан) йўкка чиқарувчи мисли йўқ (нозик) хунарини маха қилгувчидир... (Хондамир)

Устоди мохируласноф хамиша суввари мухталифа ва нукуши мутанаввиани ўзи билан саклаб эди, хожат вақтида ишга сурар эрди ва аксар Амир Бобо Махмуд суратинким, даргохи олампадох Султон Хусайн Мирзонинг азимшаън, бузург рафиуламакон, сутург кубаросидан эрди авзоъи мухталифа билан тасвирин чекар эрди. (Зайниддин Восифий)

Аср нодири, мусаввирлар пешвоси, устод Камолиддин Бехзодга – Хумоюн подшоҳ кутубхонаси ахлига, яъни котиб, наккош, музаххиб, жадвалкаш, халкор ва заркўбларга... бошчилик мансаби топширилсин. (Хусайн Бойкаро)

Мусаввирлардан Бехзод эди, мусаввирлик ишини бисёр нозук килди... Сохоллик кишини яхши чехрали, кушойлик киладур.

* * *

Устод Бехзоднинг (яъни Алишербекнинг) тарбият ва тавкияти билан, саъй ва эхтимоли билан мундок тараккий ва шухрат, мундок машхур ва маъруф бўлди. Захириддин Мухаммад Бобур Камолиддин Бехзод чет элликлар хотирасида Бехзод миниатюралари шарк тасвирий санъати дунё маданиятининг ноёб хазинаси эканлигидан далолат беради.

Унинг асарлари гарб тасвирий санъати ривожигахам бевосита таъсир кўрсатган. Мусаввирлик, умуман, санъат чегара билмайди. Ундан хамма миллат кишилари бир хил бахраманд бўлаверади. Рассомнинг асарини тушуниш учун таржимон талаб этилмайди. Масалан, Бехзод асли шарклик эса-да, унинг мўйкалами хосилаларидан Европа ёгуд Лотин Америкаси халклари хам бевосита завк олаверади. (Камол Хасан Шалтут (Миср))

Бехзод миниатюралари Шаркда кадимдан тасвирий санъат яхши ривожланганини, Шарк кишиларининг диди ниҳоятда нозик бўлганлигини тасдиқлайди. Омур Коч (Туркия)

Бехзод наққошлиги XV аср миниатюра санъатининг олтин даври ҳисобланади. Бехзод Хирот нафис тасвирий санъат мактабида энг улкан устоз мусаввир эдиким, унинг шогирдлари гўзал миниатюрасозлик санъатини бутун жаҳон бўйлаб тарқатдилар. (Абдулхай Хабибий (Афғонистон))

Ўша замонда жуда катта шухрат қозонган Бехзод ва Шох Музаффар сингари атокли наққош-рассомлар, шубҳасиз, Мир Алишер Навоийнинг кўллаб-қувватлаши натижасида камолотга эришдилар. (Эдвард Браун)

Бехзод мусаввир Мирак Наққош раҳбарлигида шаклланган бўлса, ижодининг юксак босқичига кўтарилиши давлат арбоби, шоир Мир Алишер раҳбарлигида бўлди. Худди ана шу зотнинг хомийлиги, раҳбарлиги, йўл-йўрик кўрсатиши натижасида... устоз Бехзод ва Шох Музаффарлар рассомликда шухрат қозондилар. (Н.Шукин (Француз санъатшунос олими))

Буюк мусаввир Бехзод миниатюра санъатини фақат шаклий жиҳатдан эмас, бетакрор мазмун ва моҳият, фалсафий жиҳатдан ҳам юксак поғонага кўтара олди. Унинг асарлари исломий маданият дурдоналари сифатида Европа тамаддунига ҳам кучли таъсир кўрсатди. Ибодулла Баҳорий (Буюк Британия)

Бехзоднинг овруполик рассомлар сингари студияси бўлмаган. Унинг иш жойи оддий хужра бўлиб, деворлари моҳир Шарк хаттотлари томонидан суралар билан безатилган эди. Шундай муҳитда Бехзод яшар, нозик мўйкалам билан ижод қиларди. (Ф.Р.Мартин (Швед санъатшуноси))

Киска бир вақт орасида Бехзод шу даражада моҳир мусаввир бўлиб етишдики,

ранг-тасвир пайдо бўлгандан буён бу сохада санъат ахли орасида унга тенг келадиган йўк эди. (Кози Ахмад)

Бехзод XX – XXI аср олимлари талкинида

Бехзод ҳақли равишда улуг санъаткор рассом Бехзоднинг мўйкалами ҳақиқатан том маънода сеҳргардир. Бўёқларнинг майин гўзаллиги, доимий оҳанги, япроқларнинг ёркин кўзга ташланган маъноси билан бу рассом ўз санъатининг қайта келмас бир мохиридир. (Ойбек)

У жаҳон тасвирий санъатининг буюк арбоби. Хусусан, ўзбек миллий тасвирий санъатининг илк намояндаси. Айни пайтда жаҳон цивилизациясига, шу соҳа тараккиётига қучли таъсир ўтказган зотлардан. (А.Каюмов)

Бехзод яратган миниатюралар Навоий асарларини чуқур тушунишга, англашга, таҳлил қилишга ёрдам беради. Суратлар ёрдамида Навоий сатрларини, мазмун - моҳиятини англаш осонлашади. (А.Хайитметов)

Хуросон ўлкаси пойтахти Хиротда дунёга келган Камолиддин Бехзод ўз даврининг буюк рассоми, «Монийи соний» унвонига сазовор бўлиб, аср нодири, XV аср иккинчи ярми Хирот миниатюра мактаби асосчиси сифатида шухрат қозонди. (М.Хайруллаев)

Бехзод нафакат Шарқ халқлари маданияти тарихида ўчмас из қолдирган, жаҳон тамаддуни хазинасини ўзининг ажойиб қимматбаҳо дурдоналари билан бойитган, бутун дунё цивилизацияси тарихида салмоқли ўрин олган буюк ва забардаст санъаткордир. (О.Усмонов)